Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№50-51 (399-400)
2020 йил 3 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни муҳим сиёсий тадбир – Россия Федерацияси Конституциясига тузатишлар киритиш бўйича умуммиллий овоз бериш жараёни муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Президентлар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида Москва шаҳрида ўтган икки томонлама учрашувнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Бўлажак олий даражали ташрифлар кун тартибидаги масалаларга, шунингдек, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсирини камайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чора-тадбирларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## ЯПОНИЯ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА БАА БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни мамлакатимиз инвестицион ва ташқи савдо фаолияти прогноз кўрсаткичларининг жорий йил I ярмидаги ижросини муҳокама қилиш, шунингдек, Япония, Корея Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари билан устувор қўшма лойиҳаларнинг боришини ҳамда савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини кўриб чиқишга бағишланган видеоанжуман тарзида йиғилиш ўтказди.

Тадбирда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги олдига қўйилган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шу жумладан, инвестицияларни жалб этиш ва экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларни ҳамда хорижий шериклар билан эришилган келишувларни ўз вақтида амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларга доир таклифлар тингланди.

Глобал миқёсдаги эпидемиологик вазият ва ундан келиб чиқаётган чекловлар Ўзбекистоннинг инвестицион ва ташқи савдо фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиб, тадбиркорлар учун молиялаштириш, қурилиш, ишлаб чиқаришда зарур хомашё ва ускуналарни етказиб бериш масалаларида маълум тўсиқлар яратаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва экспортчиларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрилди.

Бу билан бирга, тижорат банкларини етарли ресурслар билан таъминлаш мақсадида халқаро молиявий институтларнинг 1,2 миллиард доллар миқдоридаги маблағлари жалб этилди.

Ҳисобот даврида умумий қиймати 1,8 миллиард долларлик 28 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига 3,8 мингта янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида умумий қиймати 9,5 триллион сўмлик 2049 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, бу 27 мингта янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Бинобарин, бугунги кунда қатор тармоқларда коронавирус пандемияси билан боғлиқ хатарлар таъсири остида инвестицияларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш кечикаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари 2020 йил якунига кўра кўзланган натижаларга сўзсиз эришиш мақсадида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичлари ва рўйхатларини қайта кўриб чиқиш топшириғини берди. Йил якунига келиб мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ҳажми 9,9 миллиард долларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 6,8 миллиард, халқаро молиявий институтлар маблағлари – 3,1 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. Иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверларидан бири сифатида экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 6 ойи якунларига кўра мамлакатимиз корхоналари томонидан 6,1 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилингани таъкидланди. Айни пайтда экспорт фаолиятига 950 та янги корхона жалб этилди, хорижга янги 85 та номдаги маҳсулот етказиб бериш ўзлаштирилди, шунингдек, қўшимча 4 та давлат бозорига чиқилди.

Жаҳондаги иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги ҳамда глобал бозордаги талаб ва таклифнинг пасайишини эътиборга олиб, жорий йилнинг иккинчи ярмида экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Республика комиссиясига пандемия оқибатидаги ташқи омиллар мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирни камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ОСМОНЎПАР УЙ-ЖОЙЛАРНИНГ КЎРКИ ЎЗГАЧА



**Юртимизда кейинги йилларда рўй бераётган янгиланишлар аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда бунёдкорларимизнинг ҳам меҳнати катта. Улар томонидан барпо этилаётган ижтимоий соҳа объектлари, намунали кўринишдаги кўп қаватли турар жой иншоотлари аҳолининг муҳтож қатламини замонавий кўринишдаги уйлар билан таъминлаш имкониятини яратиб бермоқда.**





Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон, кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида «Ўзшаҳарқурилишинвест» ИК МЧЖ томонидан Андижон шаҳрида ўтган йиллар давомида 41 та кўп қаватли 1 798 та хонадон қуриб битказилди ва уй-жойга муҳтож оилаларга берилди.

Ушбу бинолар ўзининг замонавийлиги, қулайлиги ва шинамлиги билан ажралиб туради. Мазкур турар жой объектларининг 39 таси 7 қаватли бўлиб, 1 638 та хонадонни ўзида жамлаган бўлса, яна 2 та 16 қаватли биноларда 180 та хонадонлар жойлаштирилган. Бу уйлар бугун шаҳар кўркига кўрк қўшиб, аҳолига хизмат қилмоқда. Фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир кўп қаватли уйларнинг ҳудудларида болалар учун ўйингоҳлар, минифутбол майдончалари, фуқаролар учун дам олиш айвонлари, Маҳалла идораси ва унга туташ ҳудудда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун бинолар қад кўтарди.

*(Давоми 3-бетда)*

## Лойиҳалаштириш масалалари қонуний тартибга солинади

**Бугун Ўзбекистоннинг ташқи қиёфаси қандай бўлиши керак? Аҳолига қандай қулайликлар яратилиши лозим?**



Қайд этиш жоизки, мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг самарадорлиги бевосита мукаммал шаҳарсозлик ҳамда унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юқоридаги саволларга тўлиқ жавоб беради.

Мазкур қонун лойиҳаси айни пайтда парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари, мутахассис ҳамда экспертлар иштирокида такомилига етказилмоқда. Бу жараёнда, албатта, сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Таъкидлаш лозим, амалдаги Кодекс маънан эскирган бўлиб, унда шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг замонавий механизмлари, рақобат муҳитини яратиш ва умуман, соҳадаги замонавий тенденциялар кўзда тутилмаган эди. Қонун лойиҳасини маромига етказиш чоғида айни шу жиҳатларга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, лойиҳа «Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий принциплари» деган янги модда билан тўлдирилди. Ушбу киритилган принциплар амалдаги кодексларимиз ва хорижий давлатлар қонунчилиги принципларига мувофиқлаштирилди. Идоравий қурилиш нормалари ҳақида янги киритилган моддада эса идоравий қурилиш нормалари шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ҳамда улар махсус ваколатли орган билан келишилиши белгиланмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## Сардобадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин паллада

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Сардоба сув омбори дамбасида юзага келган тошқин оқибатлари ва уларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича брифинг бўлиб ўтди.**

Унда таъкидланишича, бугунги кунда Сардоба, Оқ олтин ва Мирзаобод туманларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Таъкидлаш керакки, жойларда уй таъмири битган хонадонларга юртдошларимиз кўчиб кира бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги қарорига асосан, фавқулодда ҳодиса оқибатида талофат кўрган уй-жойларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК буюртмачи этиб белгиланган. Ушбу ташкилотлар томонидан мазкур туманларда талофат кўрган 1 814 та уйларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг 1 778 таси панелли, 20 таси ғиштли уйлар бўлиб, 16 тасини 2 қаватли уйлар ташкил этади.

Ҳозирги кунда таъмирланаётган 1 814 та уй-жойларга 562 та пудратчи ташкилотлар жалб этилган бўлиб, 14 338 нафар қурувчи фаолият олиб бормоқда. Уйларни таъмирлаш ишлари 76 фоизга бажарилди. Шу билан бирга жами 70 та турар жой объектларида таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси учун ажратилган ҳудуд бўлган «Дўстлик» маҳалласида 46 та уй, Хоразм вилояти учун ажратилган «Қўрғонтепа» маҳалласида 12 та ва Навоий вилояти учун белгиланган ҳудудда 2 та, Сирдарё вилоятида ажратилган «Ҳақиқат» маҳалласида 10 та уй таъмирланиб, бугунги кунда мазкур уйларга хонадон соҳиблари кўчиб кирди. Оқ олтин туманидаги «Саховат» маҳалласида 12 та, Мирзаобод тумани «Навбаҳор» маҳалласида 11 та, «Сардоба» туманидаги «Юртдош» ҳамда «Қўрғонтепа» маҳаллаларидаги 13 та, жами 36 та кўп қаватли уйларни таъмирлаш бўйича лойиҳаолди ишлари амалга оширилиб, экспертизадан ўтказилди.

*(Давоми 3-бетда)*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№50-51 (399-400) 2020 йил 3 июль

# ЯПОНИЯ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА БАА БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон экспорти йил якунига бориб 17,1 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари муттасил ошиб бормоқда, олий даражадаги учрашувлар якунлари бўйича қабул қилинган «йўл хариталари» доирасида турли тармоқларда янги кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Йиғилишда амалдаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда инвестицион ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳаларда умумий қиймати 5,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, «HIS» компанияси билан меҳмонхона мажмуаларини қуриш, «Isuzu» ва «Itochu» компаниялари билан «СамАвто» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик электр станциясида энергетик блоклар барпо этиш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Пандемияга қарамай, жорий йилда икки мамлакат ҳукуматлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро мулоқотлар, шу жумладан, замонавий ахборот технологиялари орқали анча фаоллашгани қайд этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари аниқ иқтисодий дастур ва лойиҳаларни илгари суриш орқали Ўзбекистон – Япония амалий ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлик ҳам кейинги йилларда ижобий суръат билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг бошидан буён товар айирбошлаш қарийб 1 миллиард долларга етди, Жанубий Корея капитали иштирокида 60 та янги корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 855 тага етди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ҳамда Фарғона шаҳрида Ўзбекистон – Корея халқаро университетини ташкил этиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани, улар доирасида мингга яқин янги иш ўринлари яратилгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 17 апрель куни Тошкент вилояти Зангиота туманида тамал тоши қўйилган Инновацион илмий ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Фармацевтика техника университети ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги, АКТ, соғлиқни сақлаш, кимё, енгил, электротехника, фармацевтика ва заргарлик саноати, таълим ва инновациялар каби соҳалар ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида белгиланди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва Иқтисодий тараққиёт фонди орқали молиявий-техник кўмак дастурлари доирасида умумий қиймати 750 миллион доллардан ортиқ бўлган 17 та лойиҳа, жумладан, Кимёвий технологиялар маркази, ёши катталар учун клиника ташкил этиш, юртимиз тиббиёт ва таълим муассасаларини жиҳозлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида жами 1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Умуман, эришилган келишувларни тўлиқ рўёбга чиқариш 50 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш имконини беради.

2019 йилда Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширилган олий даражали ташриф якунида салмоқли икки томонлама ҳужжатлар тўплами, шу жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестицион битимлар имзоланган эди. Энергетика, инфратузилма, кимё ва нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. БАА сармояси иштирокидаги корхоналар сони 141 тани ташкил этяпти. Амирликлар компаниялари билан келишувлар ўз натижасини бераётгани таъкидланди.

Хусусан, «Masdar» компанияси Навоий вилоятида 500 МВт қувватига эга шамол электр станцияси қурилишига инвестиция киритмоқда, сармояларнинг умумий ҳажми эса 500 миллион доллардан ошади.

Абу-Даби тараққиёт фонди иштирокида эълон қилинган капитали 1 миллиард доллар бўлган қўшма инвестиция компанияси таъсис этилди. Компания илк лойиҳаларни молиялаштиришни бошлади.

Шунингдек, Абу-Даби тараққиёт фонди Самарқанд шаҳрининг инфратузилмасини модернизация қилишда иштирок этмоқда.

БААнинг «Mubadala» давлат инвестицион компанияси билан энергетика соҳасида ҳамда углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш ва уларни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Япония, Корея Республикаси ва БАА билан ҳамкорлик бўйича «йўл хариталари»нинг 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларини тўлиқ ва сифатли бажариш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилди.

**ЎзА.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

**Арзон, сифатли, инновацион қурилиш материалларини ишлаб чиқариш давр талаби. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит боис бундай маҳсулотларни истеъмолчиларга тақдим этиш мақсадига хизмат қилувчи корхона қувватлари ортиб бормоқда.**




Жиззах вилоятининг иқтисодий салоҳияти ва табиий ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали хом ашё базасини шакллантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар амалга татбиқ этилаётган инвестиция лойиҳалари мисолида яққол намоён бўлади.

Маълумотларга кўра, ҳудудда цемент, шифер, пишган ғишт, ойна маҳсулотлари, темир-бетон, эшик ва ромлар ишлаб чиқариш ривожланган. Жорий йилда Жиззах вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида 243 миллион АҚШ долларилик 3 та йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилган.

– 2020-2022 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллари бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ 23 та лойиҳа амалга оширилмоқда, – дейди «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Жиззах вилояти бўлими ходими Наврўзжон Убайдуллаев. – Бунинг натижасида вилоятда 3 960 та доимий иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Жорий йилда, шунингдек, металл чиқиндиларни қайта ишлаш заводи 10 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестиция ҳисобига барпо этилади.

Жиззах қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама қулай, табиий захираларга эга ҳудуд ҳисобланади. Вилоят ҳокимлиги «Ўзсаонатқурилишматериаллари» уюшмаси билан ҳамкорликда Зафаробод туманида йилига 1,2 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга «Huaxin Cement Jizzakh» МЧЖ қўшма корхонасининг дастлабки босқичи жорий йилда амалга оширилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 млн АҚШ долларини ташкил қилади. Корхона фойдаланишга топширилгач, 300 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Янги заводда келгусида М-400 ва М-500 маркадаги сифатли цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда хитойлик ҳамкорлар ва маҳаллий ишчи мутахассислар корхонада энг сўнгги русумдаги энергия тежамкор, экологик жиҳатдан соф бўлган технологияларни ўрнатиш ишлари билан банд. Ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти давомида тожсимон вирусдан ҳимояланишлари учун барча зарур чоралар кўрилган бўлиб, пандемия сабаб бироз кечиктирилган қурилиш ишларини ўз вақтида сифатли бажаришлари назоратга олинган. Маҳаллий ва хитойлик мутахассислар иш олиб бораётган ушбу қурилиш объекти август ойида тўлиқ қувватда ишлашга тайёр бўлади.

Вилоятда, шунингдек, 2021-2022 йилларда хорижий инвестициялар ҳисобига бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ҳудудда 810 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга «Экоцемент» МЧЖ барпо этилади. Ҳозирги кунда цемент заводини қуриш ва Хитой Халқ Республикасидан асбоб-ускуналар, техника ҳамда жиҳозларни келтириш ишлари бошлаб юборилган. Фориш туманида йилига 35 минг тонна базальт толасидан иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Basalt Wool» МЧЖ барпо этилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 60,1 млн АҚШ долларига тенг.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида вилоятда 2020-2022 йилларда қўшимча равишда умумий қиймати 5 трлн 751 млрд сўмлик қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 54 та лойиҳа амалга оширилиши ва бунинг самарасида 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах шаҳрида ҳам улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ортиб, аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда.**

# Жиззахда «Велотрек» мажмуаси бунёд этилмоқда

Бу жараёнда айниқса, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган ижтимоий соҳа объектларининг кўркам қиёфада қад ростлашига катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда Жиззах шаҳрининг марказий кўчаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон кўчасида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Сон-саноқсиз техникалар жалб этилган мазкур майдонда кўплаб қурувчи ва муҳандисларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўчанинг чап томонида кўп қаватли уйларнинг пойдевори тикланаётган бўлса, ўнг томондаги аввалги «Сангзоркўл» ўрнида замонавий «Велотрек» мажмуаси бунёд этилмоқда.



«Ҳамид Олимжон» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Сангзоркўл» мажмуаси кейинги йилларда эътибордан четда қолиб, бу ерда йилига бир-икки марта тадбир ўтказилишини ҳисобга олмаганда жуда қаровсиз, ташландиқ масканга айланиб қолганди. Ушбу масканнинг бундай ҳолатга тушиши кўпчилик қатори маҳаллий тадбиркор Акмал Аҳмедовни ҳам ташвишлантирди. Ва у мазкур жой замонавий «Велотрек» мажмуаси бунёд этиш учун жуда қулай эканини, имконият берилса, уни қуриш иштиёқи борлиги таклифини мутасаддиларга билдирди. Тадбиркорнинг ташаббуси Жиззах вилояти ҳокимлиги мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланиб, унга «Сангзоркўл» ҳудудидаги 4 гектарли майдон мажмуани бунёд этиш учун «ноль» қийматда берилди.

– Шаҳримизда «Велотрек» мажмуаси барпо этиш ғояси кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ, – дейди «Жиззах велопарк» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмал Аҳмедов. – Бу менинг бир неча йиллик орзуим. Тўғрисини айтсам, Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига борганимда у ердаги «Велотрек» мажмуаси мени ҳавасимни келтирганди. Қани энди, бизнинг шаҳримизда ҳам ана шундай мажмуа бўлса, дея ният қилардим. Ниҳоят орзуим рўёби сифатида қурилиш ишларини бошлаб юбордик.

Умумий қиймати 500 минг АҚШ доллари бўлган ушбу мажмуани Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан 3,2 гектар майдонда 2 500 томошабинга мўлжалланган «Велотрек» мажмуаси велоспортнинг 4 йўналиши бўйича мусобақалар ўтказишга мос равишда бунёд этилмоқда.

– Мажмуа ҳудуди ҳамшаҳарларимизнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган севимли масканларидан бирига айланади, – дейди Акмал Аҳмедов. – Мажмуа ёнидан 100 ўринли замонавий меҳмонхона, Бизнес маркази ва бошқа бир қатор маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари ўрин олади. «Сангзоркўл»нинг юқори қисмида эса дам олувчилар учун чўмилиш, сузиш ҳавзаси ва бошқа бир қатор иншоотлар қурилади.

Айни кунларда аниқ режа ва замонавий лойиҳа асосида қурилиш ишлари жадаллик билан боряпти. Мажмуа қурилиш жараёнларига 35 нафар инженер-техник ходим, 7 та замонавий техника жалб этилган. Мақсад – замонавий спорт мажмуасини бунёд этиш ва бу орқали аҳолининг фаровонлигини оширишдан иборат.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Янги ўқув йилига янги мактаблар ҳозирланмоқда

**Ҳукуматимиз келажак авлоднинг сифатли таълим-тарбия олишларига катта эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда нафақат таълимни ривожлантиришга, балки таълим олиш учун қулай шароит ва муҳит яратилишига ҳам урғу берилмоқда.**

Бу борада педагоглар ва ўқувчиларга зарур шароитни вужудга келтириш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган мактабларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Маънан эскирган таълим муассасалари замон талабларига мос равишда қайта қурилиб, аксарияти капитал таъмирдан чиқарилмоқда ва ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда.

– Мактабларни қайта таъмирлаш, қурилиш, жиҳозлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари замонавий ва халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилмоқда, – дейди «Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси» Бош директори Асрор Усмонов. – Мақсад ўқувчилар учун янги услубдаги дизайн ва инновацион ечимлар асосидаги таълим даргоҳларини барпо этиш. Қурилиш вазирлигининг тегишли бошқармалари масъуллари билан ҳамкорликда янги замонавий мактабларнинг 11 турдаги намунали лойиҳаларини ишлаб чиқмоқдамиз. Чет эллик мутахассислар билан суҳбатлашганимизда улар ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, дарс жараёнида атроф-муҳит, яъни хона жиҳозлари ўқувчиларнинг эгаллаётган билимини мустаҳкамлашга ёрдам бериши зарурлигини таъкидлайдилар. Биз мактабларни қуриш ва таъмирлаш доирасидаги лойиҳаларни яратишда ушбу фикрларни қўллашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугунги кунда ўтган асрнинг 60, 80, ва 90-йилларида барпо этилган мактабларни замон талабларига мослаштириб, уларда ягона лабораториялар ташкил этилмоқда. Мазкур лабораториялар техника жиҳозларини созлаш, робототехникаларни яратиш, АКТ билан шуғулланиб, турли дастурларни ишлаб чиқиш каби соҳаларга қизиққан ёшлар учун хизмат қилади. «Замонавий мактаб» лойиҳаларида куворкинг хоналари ҳам мавжуд бўлади. Юқори синф ўқувчилари ўзларининг стартапларини, инновацион ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин бўлади. Ушбу лойиҳаларни бажаришда эса мазкур куворкинг хоналари маълум маънода тажриба майдони вазифасини бажаради.

Тошкент шаҳрида қурилиш-таъмирлаш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузурида инжиниринг компанияси ташкил этилган бўлиб, таълим даргоҳларидаги барча қурилиш-таъмирлаш ишлари ортиқча сарф-харажатларсиз айнан ушбу компания томонидан амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 9 та умумтаълим мактабларида капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, лаборатория хоналари учун махсус жиҳозларни етказиб бериш ишлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда бунёдкорларимиз томонидан мактабларда ички ва ташқи пардоз ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Ҳар бир синфхоналарига фан йўналишларидан келиб чиққан ҳолда турли ранглар берилмоқда. Бу ўқувчиларга кайфият бағишлаши баробарида уларнинг тасаввурини ҳам кенгайтиради, руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 10 майда Учтепа туманига амалга оширган ташрифидан сўнг 238-умумтаълим мактаби ҳам тўлиқ реконструкцияга тушди, – дейди Учтепа тумани Халқ таълими бўлими бош муҳандиси Улуғбек Аннақулов. – Қўшимча равишда 900 ўринли бино қурилиб, 2 та спорт зали, ёзги спорт майдонлари қад ростлади.

Бугунги кунда Учтепа туманида жами 33 та таълим муассасаси, жумладан, 31 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва «Баркамол авлод» маркази фаолият кўрсатади. Янги ўқув йили олдидан тумандаги 14, 129, 245, 283, 295, 296, 297, 312-сонли мактабларда мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бу эса келгусида ушбу таълим даргоҳларида фарзандларимизнинг чуқур билим олишлари учун шарт-шароитларни яратиб бериши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# Сардобадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин паллада

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисоб-китобларга кўра, кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш учун жами 19,1 млрд сўм маблағ талаб этилади. Хусусан, мазкур уйларни таъмирлаш учун 12, 1 млрд сўм ва ободонлаштириш ишларига 7 млрд сўм миқдоридаги маблағ молиялаштирилиши кўзда тутилган. Янги уй-жойлар массиви қурилиши ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Маълумки, тошқин оқибатида уй-жойларига зарар етган фуқаролар учун жами 52 ярим гектар ер майдони танланиб, ушбу майдонларда 66 та кўп қаватли турар жой биноларини қуриш ишлари бошлаб юборилган. Ҳудуддаги 3 та массивда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилишида вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК ва пудратчилар ўртасида тузилган шартнома асосида 200 млрд сўм маблағ молиялаштирилди.

«Gold step invest» МЧЖ томонидан Сардоба тумани «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида туманнинг «Кўрғонтепа», «Дўстлик» ва «Юртдош» маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун 37 та 1 480 та хонадондан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланган. Бу майдонга 106 та қурилиш техникаси ва 300 нафардан ортиқ қурувчи жалб этилган. Бундан ташқари, яроқсиз уйларнинг 63 таси бузилиб, ҳудуд чиқиндилардан халос бўлди. Эътиборлиси, кўп қаватли уйларнинг бош режаси ва жойлашувига қараб ишлар олиб борилияпти. Ҳозирги кунда уларнинг 37 тасида ерларни текислаш ишлари бажарилиб, 34 тасида котлаван қазиш ва 23 тасида эса бетон қуйишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 12 та барпо этилаётган уйларда бетон, 4 тасида пойдевор ўрнатилиб, 20 тасида изоляция, 18 тасида армокаркас тўқиш ишлари олиб борилияпти.

Мирзаобод тумани «Ҳақиқат» маҳалласи ҳудудида, Оқ олтин туманининг «Шодлик», «Саховат», «Аҳиллик», Мирзаобод туманининг «Дўнгобод», «Мирзачўл», «Ҳақиқат» маҳаллаларида истиқомат қилган ва уйлари яроқсиз аҳволга келиб қолган юртдошларимиз учун пудратчи «Whitecity Construction» МЧЖ томонидан 20 та 800 хонадонга эга кўп қаватли уйларни барпо этиш ишлари бошланган. Қурилиш жараёнларига аванс тарзида ушбу қурилиш-пудрат ташкилотига 60,6 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилган. Пудратчи ташкилот томонидан 60 та қурилиш техникаси ҳамда 445 нафар малакали қурувчилар ушбу объектнинг бунёд этилишига сафарбар этилган. Ҳозирги кунда ушбу ҳудуддаги 20 та кўп қаватли уйда ер текислаш, 11 тасида котлаван қазиш, 8 тасида бетон қуйишга тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бўлса, яна 4 та уйда бетон подушкалар, 3 тасида эса изоляция ва яна 1 тасида армокаркас тўқиш ишлари олиб борилмоқда.

Мирзаобод туманининг «Навбаҳор» маҳалласи ҳудудида, Оқ олтин туманининг «Шодлик» маҳалласида аҳолининг яроқсиз ҳолатга келиб қолган уйлари ўрнида аҳоли учун «Silver flex» МЧЖ томонидан ўзида 360 та хонадонни жамлаган 9 та кўп қаватли турар жойлар бунёд этилмоқда. Қурилиш жараёнларига 27,3 миллиард сўмлик маблағ сарф этилиши кўзда тутилган. Мазкур объектнинг барпо этилишида 15 та қурилиш техникаси ва 65 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилишмоқда. Мазкур қурилиш ишларининг сифатли ва ўз вақтида якунланиши, аҳолининг розилигини олиш мақсадида молиялаштириш масалалари аниқ рақамларда ўз ифодасини топган. Ва ушбу манбалар қурилиш жараёнларига мақсадли йўналтирилмоқда.

Маълумки, талофат оқибатида ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектларига ҳам зарар етган. Сардоба, Оқ олтин ва Мирзаобод туманларидаги жами 34 та ижтимоий соҳа объектлари рўйхатга киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 19 майдаги қарорига асосан, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш учун жами 84 миллиард сўм маблағ белгиланган. Бугунги кунда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишларига 18,8 миллиард сўм миқдоридаги молиявий манбалар аванс тариқасида ўтказиб берилган. Шулардан умумтаълим мактабларига 15,4 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш муассасаларига 2,2 миллиард сўм ва бошқа объектлар учун 1,2 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилган.

Ижтимоий тармоқларда Сардобадаги айрим қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида фикрлар тарқалган эди. Сардоба, Оқ олтин ва Мирзаобод туманларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритганда энг аввало, шуни айтиш керакки, барпо этилаётган объект, у хоҳ кўп қаватли уй-жойлар бўлсин ёки аҳоли хонадонлари бўлсин, умуман мана шу майдонларда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида қурувчилар биринчи навбатда сифат ва муддатга эътибор қаратганлар.

Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг мутахассислари томонидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифати мунтазам равишда ўрганиб борилияпти, яъни бу ердаги сифат бирламчи ўриндаги масалалардан бири. Мутахассислар кечаю кундуз қурилиш майдонларида иш олиб бормоқдалар ва қурилишнинг сифати бир зум бўлса-да, эътибордан четда қолмаяпти. Олиб борилган доимий назорат ишларида аниқланган камчиликлар бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» ИКга маълумотлар тақдим этилади. Маълум бўлишича, бугунги кунга қадар 1 814 та уй-жойларда 2 180 та камчиликлар аниқланган. Уларни бартараф этиш борасида «Ягона буюртмачи хизмати» ИКга 148 та ёзма маълумотномалар тақдим этилган, уларнинг назорати ҳам олиб борилияпти.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Қурилиш вазирлиги**
**Матбуот хизмати.**

# Тез ва сифатли

**Аҳолига арзон уй-жойлар бунёд этишда фаол қатнашаётган «Жума қурувчи» МЧЖ бинокорларининг шу кунлардаги ғайрат-шижоати жуда баланд.**

Улар кўп қаватли уйларни қуришда катта тажриба тўплаганлари боис Пастдарғом туманининг Гўзалкент массивида қад ростлаётган 24 хонадондан иборат тўрт қаватли иморатни тез ва сифатли тиклашда фаол қатнашяптилар.

Жамият раҳбари Актам Очиловнинг таъкидлашича, «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида қад ростлаётган бинода ҳозирча эллик фоиздан зиёд иш бажарилган. Бунда ўз касбининг моҳир усталари бўлган Сафар Бобоназаров, Нуриддин Ҳайдаров, Жаҳонгир Сафаров кабилар барчага ўрнак кўрсатишаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# Лойиҳалаштириш масалалари қонуний тартибга солинади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қурилишда лойиҳа ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга саналади. Шундан келиб чиқиб, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича янги боб киритилиб, унда қўшимча нормалар акс этмоқда.

Шаҳарсозлик фаолиятида жамоатчилик назорати ҳам катта ўрин тутади. Кодекс лойиҳасидан ўрин олаётган янги бобда аҳоли пунктларининг бош режалари халқ муҳокамасига қўйилиши, аҳолининг ўзи яшайдиган шаҳар ёки қишлоғининг бош режаси тасдиқланишида қатнашиши каби нормалар акс этмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқарога ўзи яшайдиган аҳоли пунктида келажакда қандай иншоотлар, инфратузилма объектлари, ижтимоий ва халқ учун хизмат қиладиган бошқа объектлар қурилишига ўз фикрини бериши, қолаверса шу объектларнинг қурилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини таъминлайди. Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишга, бош режаларнинг ишлаб чиқилиши пухта ҳамда ортиқча харажатларсиз рўёбга чиқарилишига, ерларни ноқонуний ўзлаштириш ва ноқонуний қурилмалар қуришнинг олдини олишга замин яратади.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнидаги муҳокамалар чоғида «снос» муаммосига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, лойиҳага ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиш ҳамда зарарни қоплашни таъминлайдиган норма киритилмоқда.

Қонун ижодкорлиги жараёнида илғор мамлакатларнинг соҳага оид тажрибаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, қонун лойиҳасини тайёрлашда Канада, АҚШ, Финляндия, шунингдек, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбайжон, Беларусь каби давлатларнинг шаҳарсозликка оид қонунчилиги таҳлил қилинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Кодекс лойиҳасига киритилаётган қурилиш соҳасидаги назорат турлари, хусусан, соҳа инспекцияси, техник назорат, муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорати каби йўналишлар қурилиш сифатини таъминлаш билан бирга, кўплаб эътирозларнинг олдини олади.

Умуман, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасида ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларини бериш ҳамда улардан фойдаланиш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларнинг, шунингдек, ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда.

Мақсад – жамият ва давлатнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли пунктларининг архитектуравий қиёфасини яхшилаш, одамлар турмуш даражасини юксалтиришдан иборат.

**Вахобжон МУРАТКАБИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.**

МУНОСАБАТ

# Янги марраларга чорлайди

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи 2019 йилдаги ташриф оралиғида вилоятда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ишларининг ўзига хос сарҳисоби ҳамда вилоят истиқболи сифатида тархий воқеа бўлди.**

Ишлаб чиқариш корхоналарида, дала ва боғларда, маҳаллаларда ўтказилган мулоқотларда мавжуд кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича бир қатор истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз иштирокидаги фаоллар йиғилишида қатнашдим. Мамлакатимизнинг бошқа минтақалари қатори вилоятимизда ҳам кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги кўз ўнгимда намоён бўлди. Халқимиз тараққиётнинг ойдин йўлида дадил одимлаётганлигидан қалбим ғурурга тўлди. Бу борада «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари ҳам фидокорлик билан меҳнат қилиб, қўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётганликларини ҳам фахр билан эсладим.

Президентимиз ўз нутқида жойларда ютуқлар борлигини, ўзгаришлар бўлаётганини, лекин булар ҳали кўзлаган марраларимизга мос эмаслигини таъкидлади. «Тўғри гапни гапирган одам – ислоҳотларга хайрихоҳ, – деб таъкидлади у. – Аччиқ гаплардан тўғри хулосалар чиқариб йўлимизни топиб олишга ҳаракат қилсак, энг катта маррамиз шу бўлади.» Шу билан бирга ҳали орамизда эскича тушунчалардан қутула олмаётган, янгиликни ва замон нафасини сезмайдиган раҳбарлар борлиги ҳам қайд этилди. Чиндан-да, шундайлар ислоҳотларнинг муваффақиятли боришига халақит бермоқда. Боз устига улар тўғри гапни ва танқидни ёқтирмайдилар. Бундай ҳолатда иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бўлмайди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Улар давлат раҳбари ва ҳукумат қарорларини ўқиб, мазмун-моҳиятини тўғри тушунишлари даркор. Шунингдек, ўз иш фаолиятиларини таҳлил қилиб боришлари, иқтисодий ўсишлардан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Президент томонидан Наманган тажрибаси таклиф қилинди. Унга кўра ҳафтанинг душанба куни иш жойида меъёрий ҳужжатлар билан ишланади, сешанбадан шанбагача ҳамма маҳаллаларда оилалар аҳволи ўрганилади. Биринчи навбатда одамларнинг муаммолари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинади, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Президентимизнинг вилоятга ташрифидан, унинг халқ вакиллари билан бўлган мулоқотларда билдирган фикрларидан чиқарган хулосам шу бўлдики, ҳаммамиз ўз фаолиятимизга яна бир бор танқидий баҳо бериб, камчиликларни бартараф этишимиз, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлашимиз зарур. Бу борада сиёсий партияларнинг вакиллари, турли даражадаги халқ депутатлари кенгашларининг депутатлари ўрнак кўрсатишлари лозим. Биз партия вилоят кенгашида бу йўналишда алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз. Уларнинг ижросини пухта назорат қилиб, вилоят аҳли олдига қўйилган масъулиятли вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз.

**Исроил ЖЎРАЕВ,**
**«Адолат» СДП Наманган вилояти кенгаши депутати.**



# Осмонўпар уй-жойларнинг кўрки ўзгача

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йил дастури лойиҳасига мувофиқ, Андижон шаҳрида 1,1 Га ер майдонида 4 та 16 қаватли уйларни қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш режалаштирилган. Шаҳарнинг Жанубий Пахтакор кўчасидаги қаровсиз 1,1 гектарлик майдон кўп қаватли турар жойларни барпо этиш учун ажратиб берилди.

| № Лотов | Наименование участников, подавших конкурсное предложение | Наименование победившего участника | Предложенная цена победителя (сум) |
|---|---|---|---|
| А | 1 | 2 | 3 |
| 31 | ООО «HEATING RADIATORS» | ООО «HEATING RADIATORS» | 2 130 780 220,00 |
| | ООО «WIDE TENT SYSTEM» | | |
| 32 | ООО «HEATING RADIATORS» | ООО «HEATING RADIATORS» | 1 243 419 660,00 |
| | ООО «WIDE TENT SYSTEM» | | |

**Участник (претендент), желающий ознакомиться с причинами отклонения его предложений, вправе обратиться с запросом о разъяснении причин в конкурсную комиссию, а также может получить дополнительную информацию от организатора тендерных торгов – ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» по адресу:** 100060, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Шахрисабзская, 36.

# «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси акциядорлик жамияти кредиторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 26-«а» уй манзилида жойлашган (**СТИР** 200 667 779, **индекс:** 180106) «Қашқадарёпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси акциядорлик жамияти («Қашқадарёпахтасаноат» ҲБАЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

**Асос:** «Қашқадарёпахтасаноат» ҲБАЖ акциядорларининг 2020 йил 19 июндаги жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарори.

Тугатилаётган «Қашқадарёпахтасаноат» ҲБАЖнинг кредиторлари талаблари тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой давомида Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 26-«а» уй манзилида қабул қилинади.

**«Қашқадарёпахтасаноат» ҲБАЖ**
**Тугатиш комиссияси.**

# «Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» масъулияти чекланган жамияти кредиторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 26-«а» уй манзилида жойлашган (**СТИР** 303 719 979, **индекс:** 180000) «Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» масъулияти чекланган жамияти («Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

**Асос:** «Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ ягона иштирокчисининг 2020 йил 29 июндаги жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги 4-сонли қарори.

Тугатилаётган «Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖнинг кредиторлари талаблари тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой давомида Ўзбекистон Республикаси, Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 26-«а» уй манзилида қабул қилинади.

**«Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ**
**Тугатиш комиссияси.**

**Юртнинг обод ва кўркам бўлиши кўп жиҳатдан қўли гул, шижоатли қурувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Буни чуқур англаган бунёдкорлар ҳар доим ҳам лойиҳаларнинг аниқ ва пухта ижро этилишига ўта масъулият билан ёндошадилар.**

# Шижоатнинг самараси



Пастдарғом туманида ўз ишини мукаммал бажарадиган ана шундай олижаноб инсонлар бор экан, гўша кундан-кунга чирой очиб, замонавий қиёфага кириб бормоқда. «Сурайё конструкцион» МЧЖ заҳматкаш бинокорларининг фаолияти бунинг яққол исботидир.

Тажрибали устоз Маҳмуд Содиқов бошчилигидаги жамоа айни пайтда Жума шаҳрида туман прокуратураси, департамент ва МИБ ходимлари учун улкан мажмуада тиним билмай жонбозлик кўрсатишаётир. Шаҳарча ҳуснига холдек ярашиб тушаётган бинода ишлар авж олдирилганлиги айни муддаодир.

– «Ковчек – АКТ» МЧЖ лойиҳасига кўра 8511 метр куб юмуш бажариш кўзда тутилган, – дейди иш юритувчи Мажид Джафаров. – Бунёдкорларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳозир пардозлаш, коммуникация тизимларини ўтказиш юмушларига киришганмиз. Коронавирус пандемияси қоидаларига қатъий риоя қилинаётгани ишда унум ва самара бўлишини таъминламоқда.

**Суратда:** Мажид Джафаров (ўртада) ишчилар Фаррух Саидов ва Баҳодир Абашевлар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# КАКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПЕРЕТЕРПЕЛА АРХИТЕКТУРА ИЗ-ЗА ПАНДЕМИИ

**Как известно, по мере постепенного смягчения карантинных мер ряд сфер экономики приспосабливаются к новым реалиям. Строительная индустрия не исключение. Сегодня архитекторы со всего мира применили свои знания для борьбы с коронавирусом и создали инновационные решения, которые могут остаться в ходу на какое-то время. Кто-то проектирует объекты здравоохранения, в то время как другие переосмысливают города. Стоит вопрос дальнейшего пути развития профессии, приоритеты будущих проектов.**

По мере восстановления отрасли восприятие искусственной среды будет меняться. Фактически, уже вырабатываются междисциплинарные подходы, привносящие в профессию новые знания и взгляды для более эффективного решения этих безотлагательных глобальных проблем. Совместные решения общих глобальных вызовов должны объединить в себе как минимум понятия общественного и личного здоровья, мобильности и транспорта, психологии влияния факторов окружающей среды.



## КАКИМИ ДОЛЖНЫ БЫТЬ БУДУЩИЕ ПРОЕКТЫ?

На разных этапах пандемии мы стали задумываться о нашем личном пространстве. Поэтому в приоритете необходимо учитывать качество и комфорт наших домов. Нужно переосмысливать наши требования и потребности: от зеленых зон и садов, эксплуатируемых крыш, естественных освещения и вентиляции, балконов и террас до минимальной и благоприятной внутренней среды, транзитных и фильтрующих входов и др.

Исходя из текущей ситуации, нужно также переосмыслить проектировочные решения и материалы. Уроки, которые мы извлечем из этой пандемии, окажут глубокое влияние на будущее проектирования, будь то города, общественные пространства, инфраструктура, гостиницы или любая другая архитектурная типология, которую мы сформируем в искусственной среде. Проектирование с опорой на здоровье станет новой нормой. Пассивные стратегии для внутреннего комфорта, вентиляции, солнечного света и влажности станут необходимостью. Хотя понятия модульного проектирования, сборных элементов, гибких перегородок и легких конструкций будут развиваться и дальше, архитекторы будут создавать новые конфигурации с учетом мер социального дистанцирования. Нужно учесть, что поверхности будут покрываться материалами, предотвращающими распространение болезней, а проектировочные меры будут ориентированы на устранение рисков их передачи. Появятся материалы с улучшенными антибактериальными, антисептическими и дезинфицирующими свойствами, как новых, так и адаптированных.

Больше всего от коронавируса пострадали города – эпицентры передачи болезней. Пересматривая свои системы, они приспосабливаются к новым реалиям, внедряют инновации, создают и экспериментируют. Городское планирование принципиально изменится, а пространство дома обретет новую ценность – так считают эксперты, которые делают свои прогнозы о развитии архитектуры после победы над COVID-19.

По мере возобновления работы благодаря достижениям строительных технологий, трехмерной печати, изготовления сборных элементов и генеративного дизайна, архитектурные бюро начинают искать новые способы управления своими компаниями, а студенты и недавние выпускники – делать первые шаги на новом рынке труда. Если молодые специалисты смогут адаптироваться и поймут, что архитектурное образование формирует критическое мышление, применимое к самым разным областям, к примеру, Американский институт архитекторов создал портал о COVID-19 для независимых архитекторов и дизайнеров, охватывающий широкий спектр тем от деловых и карьерных ресурсов до медицинского страхования и льгот. Страница предназначена для публикации полезных рекомендаций, мер и инструментов и обновляется по мере появления новых ресурсов.

**Дилфуза ХАБИБОВА,**
**корр. газеты «O`zbekiston bunyodkori».**


## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Хоразмсувқурилиш инвест» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти, Янгибозор туманидаги «Аташев» коллекторини ПК 207+00, Урганч туманидаги «Юқорибоғ» коллекторини ПК 69+00, Шовот тумани «Давдон» коллекторини ПК 171+00 даги кўприкларини реконструкция қилиш объекти | 2 959 706 708 | 150 |

**Буюртмачи:** «Хоразмсувқурилиш инвест» Давлат унитар корхонаси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 2-«а» уй.

**Телефон:** 62-223-35-49.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджетлари маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 6 июль куни, соат 10.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 6 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 2-«а» уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

**Объект номи:** Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ биносини мукаммал қайта қуриш.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 5 959 906 044 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 11 ой.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси.

**Манзил:** Тошкент шаҳар Ю. Ражабий кўчаси, 1-уй.

**Тел.:** 71-254-79-42.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари лозим.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Наманган вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.

**Тел.:** 69-227-91-47.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, тендер ташкилотчиси биноси.

## « Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2020 йил 25 июндаги 04/07/1108-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 6-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 107 МАА бўлган «ЛАСЕТТИ» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 61 081 639 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 7 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Агарда юқорида кўрсатилган автотранспорт 2020 йил 7 июль куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 13 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдога қуйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

**Тел.:** (0361) 222-84-44.

**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz

*9506 рақамли гувоҳнома.*

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

### оммавий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгашининг 2019 йил 20 мартдаги 328-баённома қарори ва 2020 йил 25 майдаги 349-баённома кароралари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК Сурхондарё филиалининг 2020 йил 1 июлдаги 57-01-16/1496-буюртманомасига асосан, «Ўзбектелеком» АК Сурхондарё филиалига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда www.1auksion.uz электрон онлайн платформасига қўйилмоқда:

1. Бойсун тумани, Даштиғоз маҳалласида жойлашган «Даштиғоз» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 8 007 309 сўм.

2. Бойсун тумани, Работ маҳалласида жойлашган «Работ» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 3 677 373 сўм.

3. Бойсун тумани, Дуоба маҳалласида жойлашган «Дуоба» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 2 918 898 сўм.

4. Денов тумани, Ўрта ариқ маҳалласида жойлашган «Ўрта ариқ» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 13 107 933 сўм.

5. Денов тумани, Сина маҳалласида жойлашган «Сина» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 10 032 183 сўм.

6. Шеробод тумани, Айний маҳалласида жойлашган «Айний» ҚАТС биноси. **Бошланғич баҳоси** – 6 616 800 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар сотилгунга қадар бошланғич баҳосини ҳар 15 кунда 10 фоиздан босқичма-босқич арзонлаштирилган ҳолда жами 40 фоизгача арзонлаштирилган баҳода www.1auksion.uz электрон онлайн платформасида очиқ оммавий аукцион савдоларига қўйилганини маълум қиламиз.

## «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «SQB Capital» МЧЖ инвестицион компанияси

**Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, «Ашхобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Urganch Texnopark-1» МЧЖ, «Urganch Texnopark-2» МЧЖ, «Urganch Texnopark-3» МЧЖ, «Urganch Texnopark-4» МЧЖ, «Urganch Texnopark-5» МЧЖ ва «Urganch Texnopark-6» МЧЖлар устав фондидаги ўз улушини ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш ҳамда расмийлаштирилган баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш мақсадида мустақил баҳолаш ташкилотларини танлаш бўйича танлов эълон қилади!**

**Мустақил баҳолаш ташкилотлари ўз тижорат таклифларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, қуйидаги манзилга 2020 йил 10 июлга қадар тақдим этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-«А» уй.

**Мурожаат учун тел.:** (71) 244-51-05.

**Электрон почта:** psb_capital@mail.ru

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиали

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога **Жиззах политехника институти**нинг 2020 йил 1 июлдаги 01-1470-1148-сонли буюртма хатига асосан Жиззах шаҳар «Бунёдкор» маҳалласи лойиҳадаги кўчасида жойлашган **умумий ер майдони** – 0,08 Га, **қурилиш майдони** – 175,97 квадрат метр бўлган **Жиззах политехника институти**га тегишли турар жой биноси такроран аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 96 493 032 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 21 июль куни, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 20 июль куни, соат 18.00.

Қизиқиш билдирган талабгорлар мулк ҳақидаги маълумотлар билан Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласидаги Ёзги форум мажмуаси манзилида танишишлари мумкин.

**Савдо ўтказиладиган манзил:** Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Ёзги форум мажмуаси.

Мазкур бино 2020 йил 21 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил ҳафтанинг жума кунлари юқоридаги манзилда, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади

**Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** бир кун олдин, соат 18.00 да. Савдога қўйилган бинолар билан тегишли жамият вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2262 6000 8049 2060 9001 АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиали МФО 00122 СТИР 207 122 519.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Тел.:** (91) 941-68-07.

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR- 0001-сонли лицензия.*

**Маълумки, Оҳангарон тумани туризмни ривожлантириш бўйича Тошкент вилоятида юқори салоҳиятли ҳудудлардан бири ҳисобланади.**

# Янги туристик манзиллар ташкил этилмоқда

Айни мана шу имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида қатор археологик тадқиқотлар, илмий-амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан бир неча йиллардан бери Оҳангарон туманининг «Шодималик Ота» зиёратгоҳида улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда Шодималик отага бағишланган катта мақбара қурилди, унинг атрофидаги йўллар таъмирланди.

Бугунги кунда Оҳангарон туманида жойлашган 11 та зиёратгоҳнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Мақсад, уларни таъмирлаб, ҳудудларни ободонлаштириб, зиёрат туризмини ривожлантириш йўлида халқимиз ва меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборат. Айнан ушбу манзилда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари доирасида маҳаллий аҳолини қийнаб келаётган ўта муҳим масала ижобий ҳал этилди. Оҳангароннинг ушбу гўшасида ичимлик суви танқис эди. 340 метр чуқурликда ер қазилиб, бу ерга қувурлар ётқизилди ва аҳоли тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Халқона айтганда шифобахш бўлган «Шодималик ота сувлари»дан бугун барча бирдек баҳраманд бўлмоқда, зиёратчилар келиб ушбу неъматдан истеъмол қилишяпти.

Оҳангарон туманининг туристик салоҳияти хусусида сўз бораркан, ташкил этилаётган туристик объектларнинг ўрни катта бўлаётганини эътироф этиш зарур. Биргина ўтган йили мазкур туманга 122 минг нафар сайёҳлар ташриф буюрган. Меҳмонларни қулай шарт-шароит ва барча имкониятларга эга бўлган манзилларга жойлаштиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда бу ерда 2 та жойлаштириш воситалари мавжуд бўлиб, уларда 77 ўринли 13 та хоналар бор. Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 49 та умумий овқатланиш шохобчалари жорий таъмирдан чиқарилиб, хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилди. Ҳозирда ҳудуддаги ресторан, 12 та кафе, 35 та чойхона ва 4 та «фаст-фуд»лар фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Ҳудудларда инвестицион муҳитни шакллантириш, турли қурилиш объектлари, туристик манзилларга сармояларни кенг жалб этиш орқали мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш бугуннинг муҳим вазифаларидан. Масалан, ушбу чора-тадбирлар доирасида 2019-2021 йилларда тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қиймати 28,6 млрд сўм бўлган 3 та инвестиция лойиҳасининг манзилли рўйхати шакллантирилди ва буннинг натижасида 240 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Оҳангарон туманининг экологик ва табиий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда туризм салоҳиятига эга бўлган қишлоқлар танлаб олинди. Жумладан, «Овжасой», «Эртош», «Кўксарой» ва «Беш кўл» қишлоқларида эко, гастрономик туризм лойиҳаси ҳамда «Сусам» ва «Қўшрабод» қишлоқларида эса зиёрат туризмини ривожлантириш лойиҳаси борасида ишлар олиб борилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» Давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомидаги фуқаролар йиғинларини ободонлаштириш, шу жумладан, ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, электрэнергия, газ ва сув таъминоти, канализация тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа, интернетни яхшилаш мақсадида қўшимча базавий станцияларни ўрнатиш борасида ишлар бошланган.

**Ўз мухбиримиз.**

# ШАҲРИСАБЗДА ЯНГИ ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙИ

**Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида «ETOILE» номли янги оилавий меҳмон уйи иш бошлади.**



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида республикамиз миқёсида ички туризмни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Янги «ETOILE» меҳмон уйи ҳам ички туризм ривожи учун хизмат қилиши билан аҳамиятли.



Барча шароит ва қулайликларга эга мазкур меҳмон уйида 10 нафар хорижий ёки маҳаллий сайёҳ учун ўрин ташкил этилган.

Оилавий меҳмон уйи эгаси Юлдуз Мамадиёрова асли ҳунармандлардан. Шаҳрисабз тарихий марказида жойлашган Чорсу меъморий обидасини ижара асосида фойдаланишга олиб, бу ерда кичик араби гилам тўқиш цехини йўлга қўйган. Тадбиркор меҳмон уйига ташриф буюрган сайёҳларни миллий маданиятимиз билан таништириш мақсадида гилам тўқиш цехида маҳорат дарсларини ташкил этишни режалаштирган.

**Суратларда:** Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида «ETOILE» номли янги оилавий меҳмон уйи иш бошлади.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Табиат мўъжизаларини асраш йўлида

**Табиатнинг мўъжизалари, тилсимлари жуда кўп. Юртимизда ҳайратимиз ва ҳавасимизга лойиқ бетакрор жойларнинг сон-саноғи йўқ.**



Бухородаги «Жайрон» қўриқхонаси ана шундай масканларнинг бири ҳисобланади. У Марказий Осиёда жайронларни кўпайтирадиган ягона қўриқхоналардан биридир. Қўриқхонадаги ноёб ҳайвонларни асраб-авайлаш, янги ҳудудларни ташкил этиш, қўшимча биноларни бунёд этиш орқали туризм соҳасини ривожлантириш масалалари бугун устуворлик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов бошчилигидаги ишчи гуруҳ яқинда «Жайрон» қўриқхонасининг сайёҳлик мавсумига тайёргарлиги билан яқиндан танишди. Ҳозирда қўриқхонага барча вилоятларнинг мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари саёҳатини йўлга қўйишга доир махсус дастур тайёрланиб, маҳалла ҳамда меҳнат жамоалари вакиллари учун арзон нархларда сайёҳлик турлари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, қўриқхона туристик маскан сифатида тарғиб қилиниб, сайт яратилади. Унда виртуал ва 3D-турлар йўлга қўйилиши режалаштирилган. Мазкур ишларнинг амалга оширилиши натижасида «Жайрон» қўриқхонаси йилига 20 мингга яқин сайёҳни қабул қилиш салоҳиятига эга бўлади.

– «Жайрон» қўриқхонаси 1977 йилда ташкил топган бўлиб, Қизилқум чўлининг жануби-ғарбида, Бухоро шаҳридан 42 километр узоқликда жойлашган, – дейди қўриқхона кичик илмий ходими Пўлат Тошев. – Масканнинг умумий майдони 16,522 минг гектарни ташкил қилади. Юртимизда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Мазкур ишлар доирасида бугунги кунда «Жайрон» қўриқхонасида катта қурилиш ва реконструкция ишлари бошлаб юборилган.

Масканга ташриф буюрган саёҳатчилар Қизилқум чўлининг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан бевосита танишишади. 2019 йил давомида бу ерга ташриф буюрган саёҳатчилар сони 2 000 га яқинни ташкил қилган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Ўзбекистон маданий-маънавий мероси бойлиги, қадимий ва бетакрорлиги билан жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторига киради. Айниқса, дунёни мафтун этган Бухоро шаҳри сайёҳлар учун ўзига хос мўъжиза ҳисобланса ажабмас.**

# Бухородаги ВАРДОНЗЕ ҚЎРҒОНИ ҳақида эшитганмисиз?



Бу кўҳна ва навқирон шаҳар Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбида, Зарафшон дарёси қуйи оқимида, Тошкентдан 616 километр масофада жойлашган.

Бухоро Шарқнинг машҳур қадимий шаҳарларидан бири. Археологик маълумотларга кўра, Бухорога милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида асос солинган. Ўрта аср араб манбаларида Бухоро Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янги қўрғон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фахрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган.

Бухоро атамаси санскритча «вихора» сўзининг турк-мўғулча шакли – «бухор» («ибодатхона») дан келиб чиққан, деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама суғдийча «буғ» ёки «баг» («тангри») ҳамда «оро» («жамол») сўзларидан иборат бўлиб, «тангри жамоли», деган маънони англатади, деган фикр илгари сурилмоқда. Дарҳақиқат, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар қадимда ниҳоятда хуш манзара – ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бетакрор, кўл ва оқар сувларга бой бўлиб, тарихчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асаридаги маълумотлар буни тасдиқлайди.

Бухоро Хитойдан Римгача олиб борувчи Буюк Ипак йўлининг энг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган. VIII асрда бу ерда араб истилосидан сўнг аста-секин Бухоро энг муҳим диний марказга айланган ва «Бухорои Шариф», деб атала бошланган. 1997 йил шаҳар ўзининг 2500 йиллик юбилейини нишонлади.

Бухорода 100 дан ортиқ йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Улар орасида Бухоро арки, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Айюб мақбараси, Матки Аттори масжиди, Намозгоҳ масжиди, Пойи калон ансамбли, Қалъа-девор қолдиқлари, Минораи калон, Масжиди калон, Мир Араб мадрасаси, Тим ва тоқилар, Лабиҳовуз ансамбли, Улуғбек мадрасаси, Чор минор, Болоҳовуз масжиди, Ситораи Моҳи Хоса ансамбли ва бошқа обидалар сайёҳларни мафтун этади.

Ушбу заминда яна бир қалъа борки, ушбу маскан бошқа тарихий обидалардан-да қадимийроқдир. Бу Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Вардонзе қўрғонидир. Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида қайд этилишича, Вардона (Вардонзе) катта бир қишлоқ бўлиб, муҳандизга, катта ва мустаҳкам ҳисорга эга. У қадим замонлардан подшоҳларнинг турар-жойлари бўлган. Вардона Бухоро шаҳридан қадимийроқ. У ерда ҳафтада бир кун бозор бўлиб, савдогарлар кўп келар эдилар. Наршахий бу жойдаги матонинг сифатига алоҳида урғу бериб, «У ердан чиқадиган нарса ҳам яхши хил «занданийчи» бўлган», дея ёзиб қолдирган.

Кўринадики, Вардонзе қўрғонининг тарихи олимлар томонидан ўтмиши 2500 йилдан зиёд, дея эътироф этилган Бухоро шаҳриникидан ҳам қадимий. Бинобарин, қўрғон қолдиқларининг шу даврғача етиб келишининг ўзи тақдирнинг бир иноятидир.

Ёв босиб келганда қўрғон аҳолиси юртни мардонавор ҳимоя қилган. Ташқи душманларга бўйин эгмаган. Туркистоннинг чегарасида жойлашгани боис у муҳим қалъа саналган. Бу ерда ҳунармандчилик ривожланган, танга зарб этилган. Савдо карвонлари Вардонзени мўлжал олиб келган. Бозори гавжум бўлган. Афсуски, табиат инжиқликлари, хусусан, қум кўчкилари, қурғоқчилик туфайли гуллаб-яшнаб турган гўша асрлар оша аста-секин таназзулга юз тутган. Қўрғон тепасида Ҳазрат Бурқи Сармаст зиёратгоҳи мавжуд. Зиёратгоҳда қабр ва туғ бор. Бу ер Бурқи Сармастнинг қадамжоси сифатида асрлар оша эъзозланади.

Вардонзе – ноёб қўрғон. У Бухородаги бошқа шундай маданий мерос объектларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қўрғон атрофида қадимда душмандан ҳимояланиш мақсадида сув ҳавзаси барпо этилган. Қалъага кириш учун яширин ер ости йўллари бўлган. Улар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шу йўл ёки ғорга кириб тепага қарасангиз, аждодларимиз бундан уч минг йил муқаддам бетон қоришмалар тайёрлаш сир-асрорларини билишганига амин бўласиз. Ёдгорликдан топилаётган осори атиқалар ҳам аждодларимиз ақл-заковатидан дарак беради.

Маълумотларга кўра, Қалъа ҳудуди 1979 йилда қўриқхонага айлантирилди. Ён-атроф саксовулзору юлғунзор бўлган. Тустовуқ, қуён, тулки ва қушларнинг кўплаб тури учраган.

«Вардонзе қўрғони» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан давлат муҳофазасига олинган.

Ёдгорликни илмий ўрганиш мақсадида бир неча йилдан буён белгиланган тартибда ЎзФА Миллий археология маркази ҳамда Италиянинг Рим университети ҳамкорлигида халқаро қўшма археологик экспедиция олиб борилмоқда. Мутахассисларининг таъкидлашича, бирламчи консервация қилиняпти. Шунингдек, объектни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш мақсадида Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлар институти (МИЦАИ) билан ҳамкорликда илғор ва юқори технологик ускуналардан фойдаланган ҳолда номзодлик ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, маданий мерос, айниқса тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда бизнинг минг йиллик тарихимиздан сўзловчи тарихий ёдгорликларимизнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда туризмга бўлган эътиборнинг кучайтирилиши натижасида Бухоро вилоятига ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Демак, нафақат дунё аҳли, балки ўзимизнинг ёш авлод ҳам буёк тарихимиз ҳақида янада кўпроқ билиши зарур.

**Марҳабо ИСМОИЛОВА,**
**Сергели туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси.**

# «Олмалиқ КМК» АЖда ёшлар сиёсати

**Мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган «Олмалиқ КМК» АЖда меҳнат қилаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиб келинади.**

Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкилоти тузилди ва Кенгаши аъзолари, раиси ва унинг ўринбосари сайланди. Ёшлар иттифоқининг асосий мақсади комбинатда меҳнат қилаётган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш, жамиятдаги фаоллигини оширишдан иборатлиги Ўзбекистон миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланди.

Корхонада «Ёш технологлар» ва «Ёш кончилар» кенгаши ҳамда ёш мутахассислар клублари ташкил этилган бўлиб, ҳозирда улар ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда. Бу ерда «Устоз-шогирд» анъаналари яхши йўлга қўйилган. Спортни оммалаштириш мақсадида «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остида енгил атлетика, югуриш, юриш марафонлари, веломарафон ташкил этилиб, 3 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинган. Шунингдек, ҳар йили «Ёшлар» спартакиадаси спортнинг волейбол, шашка, стол тенниси, сузиш ва футзал каби турлари бўйича ўтказиб келинмоқда.

– Комбинатда ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам катта эътибор қаратилади, – деди анжуманда комбинат раисининг ўринбосари Азим Мирзажонов. – Хусусан, Олий таълим муассасаларини 2018-2019 йилда тамомлаган 137 нафар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг 500 нафар битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, юртимизнинг 17 та ва 8 та чет элдаги олий таълим муассасаларининг 700-800 нафар талабалари ва комбинат билан ҳамкорлик қиладиган касб-ҳунар коллежларининг 2 мингдан ортиқ талабалари ўзларининг амалий билим-кўникмаларини ошириш мақсадида йил давомида комбинат ишлаб чиқариш объектларида диплом олди амалиётини ўташади.

Комбинат томонидан Олмалиқ шаҳрининг ижтимоий ривожланишига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, ҳудуд инфраструктурасини ривожлантириш, тиббиёт хизмати сифатини юксалтириш, маданият ва спорт соҳаларини тараққий эттириб, аҳолининг маънавий ҳаётини юксалтириш учун муносиб шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар доимий эътиборда. Яқинда «Металлург» Маданият саройи реконструкция қилинди. Комбинатда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар учун шаҳар ҳудудида 10 та кўп қаватли уйлар қуриб битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Комбинатнинг ишчи-ходимлари саъй-ҳаракатлари билан «Ёшлик» боғи барпо этилди, иккита болалар боғчаси қурилиб, кичкинтойлар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, комбинат тасарруфидаги кўп қаватли уйларда ҳам капитал ва жорий таъмирлаш, 2 та санаторий-профилакторийларда реконструкция ишлари олиб борилди.

**Анна КАЛИБЕРДА.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таникулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-753.
2170 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 00.40. Топширилди – 01.40.
123 56